ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини рейтинг асосида баҳолашни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ–4146-сон "Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси **қарор қилади**:

1. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарорга томонларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3. Мазкур қарор 2019 йил 20 июндан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директори **А. Хайдаров**

Тошкент ш.,
2019 йил "17" июн
№ 03-25/01-23-сон

Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси бошқарув раиси **Э. Икрамов**

Тошкент ш.,
2019 йил "17" июн
1-сон

Ўзбекистон Республикаси
давлат активларини бошқариш
агентлиги, Ўзбекистон суд бошқарувчилари
ассоциациясининг қарорига
ИЛОВА

Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш мезонлари тўғрисидаги
НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ–4146-сон "Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва суд бошқарувчилари рейтингини тузиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси (бундан буён матнда Ассоциация деб юритилади) ҳузуридаги комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолайди ва суд бошқарувчилари рейтингини тузади.

2. Комиссия Ассоциация бошқаруви раисининг буйруги билан ташкил этилади.

2-боб. Комиссия фаолиятини ташкил қилиш

3. Комиссия таркиби Ассоциация бошқаруви раиси томонидан тасдиқланади. Комиссия таркиби Ассоциация бошқаруви раиси ва тўртта ходимидан иборат бўлади. Ассоциациянинг бошқарув раиси Комиссия раиси ҳисобланади.

4. Комиссия қуйидаги функцияларни бажаради:

суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашни ташкил этади;

суд бошқарувчилари рейтингини тузади ва тасдиқлайди.

5. Суд бошқарувчилари рейтинги ва Комиссиянинг бошқа қарорлари Комиссия мажлисида тасдикланади.

Комиссия мажлиси натижасида қарор қабул қилинади ва баённома тузилади.

6. Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этаётган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Комиссия раиси охирги бўлиб овоз беради ва овозлар тенг бўлиб қолса, унинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

7. Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

8. Комиссия қарорлари унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми мажлисда иштирок этганда ҳукукий ваколатга эга бўлади.

3-боб. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш

9. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлиги мазкур Низомнинг иловасида келтирилган мезонлар асосида Комиссия томонидан баҳоланади.

10. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиш муддати ҳақида ахборот ушбу муддат тугашидан бир ой олдин Ассоциация ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) расмий веб-сайтида эълон қилинади.

11. Суд бошқарувчилари томонидан Ассоциацияга ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) банкротлик таомиллари якунлари бўйича иқтисодий судга тақдим этилган якуний ҳисобот нусхаси;

б) банкротлик таомилларини якунлаш бўйича иқтисодий суднинг ажрими ва корхона юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

в) иқтисодий суднинг суд бошқарувчисини суд санацияси ёки ташқи бошқарувчи сифатида вазифага тайинлаганлиги тўғрисидаги ажрим нусхаси (мавжуд бўлса).

Ассоциация суд бошқарувчиси ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан иқтисодий суднинг хусусий ажрими, суд бошқарувчилари аттестация комиссиясининг қарори ҳамда кўрсатмаси нусхаларини (мавжуд бўлса) Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларидан сўраб олиши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарори билан тасдиқланган Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда берилган тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган суд бошқарувчисининг фаолияти самарадорлигини баҳолашда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинмайди:

банкротлик таомиллари олиб борилган корхоналарнинг кредиторлик қарздорликларини қоплаш даражаси;

сотилган мулк кийматининг (банкротлик жараёнида олинган бошқа даромадлар бирга) тугатиш харажатларига (суд бошқарувчисининг иш ҳақи ҳисобга олинмаганда) нисбати;

банкротлик таомиллари орқали қарздор фаолиятини тиклаш чоралари.

4-боб. Суд бошқарувчилари рейтингини тузиш

13. Комиссия ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолайди ва суд бошқарувчилари рейтингини тузади.

14. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижасида тўпланган балларнинг умумий йиғиндисига нисбатан фоизда қуйидагича эътироф этилади:

кўрсаткич микдори 55 фоизгача бўлса - паст даражада;

кўрсаткич микдори 56 фоиздан 71 фоизгача бўлса - ўрта даражада;

кўрсаткич микдори 72 фоиздан 85 фоизгача бўлса - етарли даражада;

кўрсаткич микдори 86 фоиздан 100 фоизгача бўлса - юкори даражада.

15. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигининг кўрсаткич миқдори қуйидагича аниқланади:

$$КМ = \frac{Д14 * 100}{С}$$

Бунда:

КМ – кўрсаткич миқдори;

Д14 – суд бошқарувчиси тўплаган балл;

С – суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигининг максимал бали (120 балл, тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган суд бошқарувчилари учун 90 балл).

16. Суд бошқарувчилари рейтинги суд бошқарувчиси томонидан тўпланган балларининг умумий йиғиндисидан келиб чиқиб, мазкур Низомда эътироф этилган даражалар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда ҳудудлар кесимида Ассоциация томонидан тасдиқланган жадвал кўринишида тузилади.

17. Ассоциация ҳар чоракдан кейинги ойнинг ўн бешинчи санасига қадар суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилиши тўхтатилган ёки аттестатнинг амал қилиш муддати ўтган шахсларни суд бошқарувчилари рейтингидан чиқариш йўли билан рейтингга ўзгартириш киритади ва расмий веб-сайтда жойлаштириш учун тасдиқланган шаклда Агентликка тақдим этади.

18. Агентлик суд бошқарувчилари рейтинги жадвалини олган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

19. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлиги баҳоланиши ва суд бошқарувчилари рейтингининг тўғри тузилишига, ҳаққонийлигига ва шаффофлигига Комиссия раиси шахсан жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш

20. Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларидан норози бўлган суд бошқарувчиси баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 3 кун давомида Ассоциацияга шикоят ёки судга ариза бериши мумкин.

21. Ассоциация ҳузурида апелляция комиссияси (бундан буён матнда Апелляция комиссияси деб юритилади) тузилади.

Апелляция комиссияси суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашда иштирок этмаган Ассоциация ходимлари орасидан Апелляция комиссияси раиси ва камида тўрт нафар аъзодан иборат бўлади.

22. Апелляция комиссияси шикоятни келиб тушган кундан этиборан уч иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади. Кўриб чиқиш натижасида тузилган суд бошқарувчилари рейтингини қайта кўриб чиқиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Апелляция комиссияси шикоятни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда, рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда аризачини ёзма равишда қабул қилинган қарор ҳақида бир иш куни ичида хабардор қилади.

22. Суд бошқарувчиси Апелляция комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда Апелляция комиссиянинг қарори юзасидан судга мурожаат этиши мумкин.

6-боб. Якуний қоидалар

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Суд бошқарувчилари фаолияти
самарадорлигини рейтинг
асосида баҳолаш
мезонлари тўғрисида низомга
ИЛОВА

Суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Т/р	Мезонлар	Баллар*	Тўпланди**
А	Б	С	Д
1. Банкротлик таомиллари олиб борилган корхоналар сони			
1.1. Умумий таомил бўйича банкротлик иши якунланган корхоналар сони			
1	5 тадан ортиқ корхоналар	10	
	4-5 корхоналар	8	
	3-4 корхоналар	6	
	2-3 корхоналар	4	
	2 тадан кам корхоналар	0	
1.2. Соддалаштирилган таомил бўйича банкротлик иши якунланган корхоналар сони			
2	12 тадан ортиқ корхоналар	10	
	9-12 корхоналар	8	
	5-9 корхоналар	6	
	2-5 корхоналар	4	
	2 тадан кам корхоналар	0	
2. Банкротлик таомиллари олиб борилган корхоналарнинг кредиторлик қарздорликларини қоплаш даражаси			
2.1. Биринчи навбатдаги тўловлар қоплашнинг ўртача миқдори			
3	Биринчи навбатдаги тўловларнинг қоплашнинг ўртача миқдори (%)/10 = Х балл	10	
2.2. Иккинчи навбатдаги тўловлар қоплашнинг ўртача миқдори			
4	Иккинчи навбатдаги тўловларнинг коплашнинг ўртача миқдори (%)/10 = Х балл	10	
3. Тугатиш жараёнларининг олиб борилиши муддати			
3.1. Умумий таомилдаги корхоналарда			
5	6 ойгача	10	
	6 ойдан 7 ойгача	8	
	7 ойдан 8 ойгача	6	
	8 ойдан 9 ойгача	4	
	9 ойдан 12 ойгача (суд карори мавжуд бўлса)	2	
	12 ойдан кўп	0	
3.2. Соддалаштирилган таомилдаги корхоналарда			
6	2 ойгача	10	
	2 ойдан 3 ойгача	8	
	3 ойдан 5 ойгача	6	
	5 ойдан 9 ойгача	2	
	9 ойдан кўп	0	
4. Суд бошқарувчисига нисбатан иқтисодий суд томонидан қўрилган чоралар			
7	чора кўрилмаган бўлса	10	
	хусусий ажрим чиқарилган бўлса	-2	
	маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса	-3	
5. Суд бошқарувчилари аттестация комиссияси томонидан суд бошқарувчисига нисбатан кўрилган чоралар			
8	чора кўрилмаган бўлса	10	
	огоҳлантирилган бўлса	0	
	камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма берилган бўлса	0	
	камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма ижроси таъминланмаган бўлса	-5	
6. Сотилган мулк қийматининг (банкротлик жараёнида олинган бошқа даромад) тугатиш харажатларига (суд бошқарувчисининг иш ҳақи ҳисобга олинмаганда) нисбати			
9	10% дан кам	10	
	11%дан 20%гача	8	
	21 %дан 30%гача	6	
	31%дан 40%гача	4	
	41%дан 50%гача	2	
	50%дан юқори	0	

7. Банкротлик таомиллари орқали қарздор фаолиятини тиклаш чоралари			
10	кузатув таомилида келишув битими тузилган бўлса	10	
	кузатув таомилидан суд санацияси ёки ташки бошқарув таомилига ўтган бўлса	8	
	тугатишга доир иш юритиш таомилида келишув битими тузилган бўлса	6	
	суд санацияси ёки ташки бошқарув таомилидан тугатишга доир иш юритиш таомилга ўтган бўлса	0	
8. Банкротлик таомили олиб борилаётган корхоналарнинг учинчи шахслардаги мулкларини қайтарилиши			
11	ҳақиқатда мулк қайтарилган бўлса	10	
	мулкни қайтариш бўйича лозим даражада чора кўрилган (судга ариза киритиш, суднинг барча инстанцияларига мурожаат қилиш) бўлса	8	
	мулкни қайтариш чоралари лозим даражада кўрилмаган (суднинг барча инстанцияларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат этиш) бўлса	0	
	мулкини қайтариш бўйича чора кўрилмаган бўлса	-5	
9. Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротикка олиб келиш ҳолатларини аниқлаш			
12	хулоса тузилган бўлса	10	
	хулоса тузилмаган бўлса	0	
13	**Ёндашилган меъзонлар сони**	**12**	
14	**Умумий балл (Д1+Д2+Д3+Д4+Д5+Д6+Д7+Д8+Д9+Д10+Д11+Д12)**	**120**	

** жами 120 балл, ҳар бир мезон 10 баллдан баҳоланади.*
Натижани ҳисоблаш учун суд бошқарувчиси тўплаган балл умумий баллга нисбатан фоизда белгиланади.
*** ушбу устунда ҳисоблаш натижасида аниқланган баллар кўрсатилади.*